

## ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ

**Ў.Байтанов**

Жиззах политехника институти,  
Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти в.б

**Д.Умарова**

Жиззах политехника институти,  
532-23 гуруҳи талабаси

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий ва самарали шакли – бу мамлакатнинг солиқ сиёсатидир. Ҳар қандай жамиятда мамлакатнинг солиқ сиёсати энг аввало бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилади. Шу билан биргаликда иқтисодиёт субъектлари фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинлигини ҳисобга олиш, уларнинг молиявий мустақиллигига, эркин баҳо белгилашларига тўққинлик қилмаслик ҳамда солиқ тўловларининг белгиланиши демократик асосда бўлиши таъминланиши зарур. Шунингдек, солиқлар корхоналарда рақобатга бардош бера оладиган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим.

Солиқларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш учун уларни умумий жиҳатларидан келиб чиқиб алоҳида тартибда ўрганишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Битирув малакавий ишида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Иқтисодий субъектларнинг ўз-ўзини молиялаштириш даражаси олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корxonанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корxonанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарлича бўлиши керак.

Фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида бюджетларга келиб тушади ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришини таъминлаш, давлат инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларни амалга ошириши учун ишлатилади.

Мамлакат иқтисодиётининг қай даражада эканлиги кўп жиҳатдан солиқ тизимига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир этувчи энг асосий солиқлардан бири юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидир. Маълумки, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи иқтисодий субъектларнинг муайян давр мобайнидаги фаолиятининг молиявий натижасидан ундирилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодий субъектлар фойдасини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида “фойда” категорияси муҳим аҳамиятга эга. Фойда бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини асослайди.

“Фойда” тушунчасини иқтисодчи ва бухгалтерлар турлича талқин қиладилар. Фойда - ишбилармонлик қобилятини ишга солиб, хатарли ишга кўл ургани учун тадбиркорларга тегадиган мукофотдир. Иқтисодий назарияда фаолият турига қараб ҳам фойда турлари талқин этилади. Масалан, ишлаб чиқариш даромади, тижорат даромади, банк даромади ва ҳоказо. Бундан ташқари бозордаги нархларнинг ўзгариши туфайли олинadиган даромадни омад даромади деб ҳам юритишади. Бу даромад харажатларга боғлиқ булмайди, уни нархда кутилмаган ўзгаришлар юзага келтиради. Пулнинг қадрсизланиш жараёнида инфляция фойда ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Соф фойда корхона фаолиятининг умумлашган, якуний кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳар доим соф фойдага қараб корхона фаолиятига баҳо берилади. Корхона яратган товарлар ва хизматларини сотишдан тушган тушум унинг кирими бўлиб, кетган сарф-харажатларни қоплайди ва фойда олиш имконини беради. Жамиятдаги фойда табиатан яратилган қўшимча маҳсулотнинг пул шаклидир. Корхона фойдаси қўшимча маҳсулотнинг унга пул шаклида теккан қисмидир.

“Фойда” категорияси мазмунини унинг манбалари, омиллари ва иқтисодий субъектларнинг самарали ишлаб чиқариш фаолияти мақсадларини тўлиқ акс эттирган ҳолда тадқиқ этиш мақсадида турлича фойда назариялари ишлаб чиқилган. Жумладан, меркантилистлар (У.Петти) фойда муомала соҳасида, масалан, ташқи савдода маҳсулот ички бозорга нисбатан юқорироқ нархда сотилганда юзага келади, деб ҳисоблаганлар. А.Смит ва Д.Рикардо моддий ишлаб чиқариш соҳаларида қўшимча қиймат ҳосил қилиш ғоясига асос солганлар. А.Смит фойдани маҳсулотдан ишчи меҳнатини капиталист

фойдасига чегириш орқали аниқлаган.<sup>6</sup> Д.Рикардо эса иш ҳақи ва фойда миқдорлари бир-бирига нисбатан тескари боғлиқликка эгаллиги ҳақидаги қонунга таъриф берган.<sup>7</sup>

Шу билан бир қаторда, фойданинг келиб чиқиш назарияси эволюциясида австриялик иқтисодчи Й.А.Шумпетер муҳим қадам қўйди. Унинг фикрича, иқтисодий ўсишнинг асосини тадбиркорлик фаолияти ташкил қилади, унинг моҳияти эса янги комбинацияларни жорий этишдан иборат. Шумпетер ишлаб чиқаришнинг мазмун-моҳиятини ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясида доимо инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш, янги товарлар яратиш, янги бозорлар, хом-ашё манбалари ва ярим фабрикатларни ўзлаштириш, деб тушунади. Ишлаб чиқариш жараёни ҳамда маҳсулотни сотиш механизмида инновацияларни амалга ошириш фойданинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Фойда назарияси эволюциясида XX аср иқтисодий фанида қуйидаги асосий назариялар ажратиб кўрсатилади:

- ишлаб чиқарувчи капитал (фойда-ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг зарурий омили сифатидаги капитал натижасидир);

- ўзини чеклаш, бу ерда фойда-корхона мулкдорининг ўз капиталини шахсий истеъмол қилишни тўхтатиб туриши, ишлаб чиқаришга киритилган маблағлардан самарани кутишдаги муайян таваккалчилиги учун мукофоти;

- фойда барча турдаги тадбиркорлик фаолиятдан меҳнат даромади сифатида;

- фойда монополиянинг мавжудлиги сифатида.

Фойда иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш омиллари, яъни меҳнат, капитал ва табиий ресурсларни бирлаштириш натижасида жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадининг тақсимланмаган шаклидан иборат. Жамиятнинг барча молиявий ресурслари негизини жамиятнинг ялпи маҳсулоти ташкил қилади. У муайян вақт даврида жамият томонидан яратилган барча бойликлар қийматидан иборат. Агар жамиятдаги ялпи маҳсулотдан уни тайёрлашга кетган воситаларни, ишлаб чиқариш воситаларини қоплашга кетган маблағларни чегириб ташласак, жамиятнинг соф фойдаси қолади. Статистикада жамиятнинг соф фойдаси миллий даромад номини олган бўлиб, миллий даромад - мамлакатнинг муайян давр ичида моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида қайта яратилган

<sup>6</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.- М.: Наука, 1995. - С. 237

<sup>7</sup> Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения.- М.: Гос. Издательство политической литературы, 1955. - С. 47

қийматдир. Соф даромад ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида миллий даромаднинг қўшимча қиймат кўринишидаги шундай қисмики, у инсонлар жамиятининг муайян ривожланиш босқичида, жамиятнинг мавжуд бўлишига керак бўлганидан ҳам кўпроқ бойликлар яратиш имконияти яратилган пайтда пайдо бўлган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

---

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2013. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. -Т.: “Халқ сўзи”, 1997 йил, 29 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.-Т.: «Ўзбекистон», 2014 йил.- 111 бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги Қонуни. 2000 йил, 14 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-359-сонли Қонуни